

УДК. 1.14.2.

Азимов У.А., Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Фарғона филиали ўқитувчиси

Азимов У. А., Преподаватель Ферганского филиала Института переподготовки и повышения квалификации по физической культуре и спорту

*Azimov U.A., Teacher of the Fergana branch of the Institute of retraining and advanced training of specialists in physical culture and sports
(Independent researcher at Fergana State University)*

Тожибоева Г. А., Бувайда тумани 33-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.

*Тоджибоева Г.А., преподаватель средней школы 33 Бувайдинского района.
Tojiboeva G.A., Teacher of 33rd comprehensive school of Buvayda district*

**ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ЁШЛАРНИНГ
ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИГА АКСИОЛОГИК
МУНОСАБАТИНИ РИВОЖЛАНИТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ
ПЕРСПЕКТИВЫ ФОРМИРОВАНИЯ АКСИОЛОГИЧЕСКОГО
ОТНОШЕНИЯ МОЛОДЕЖИ К СИСТЕМЕ ДЕМОКРАТИЧЕСКИХ
ЦЕННОСТЕЙ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ
PROSPECTS FOR THE FORMATION OF THE AXIOLOGICAL
ATTITUDE OF YOUNG PEOPLE TO THE SYSTEM OF
DEMOCRATIC VALUES IN THE EDUCATIONAL PROCESS**

Аннотация: Ушбу мақолада таълим-тарбия жараёнида ёшларнинг демократик қадриятлар тизимига аксиологик муносабатини ривожлантириш истиқболлари ҳақида маълумотлар берилган.

Аннотация: В статье представлена информация о социологической природе развития аксиологического отношения молодежи к системе демократических норм в системе образования.

Annotation: This article provides information on the sociological nature of the development of the axiological attitude of young people to the system of democratic norms in the educational system.

Калит сўзлар: таълим-иарбия, демократик қадриятлар, аксиологик муносабат, фуқаролик жамияти, маҳалла институти, умуминсоний қадриятлар.

Ключевые слова: образование, демократические ценности, аксиологические установки, гражданское общество, институт соседства, общечеловеческие ценности.

Keywords: education, democratic values, axiological attitudes, civil society, the institution of the neighborhood, universal values.

Жамиятимиз ривожининг ҳозирги босқичида ёшларнинг демократик жараёнларга аксиологик муносабати уларнинг ўз актив ҳаётий позициясини онгли ва ижодий равишда амалга оширишидан иборатдир. Бундай позиция- юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриши сиёсатининг моҳиятини билишни, ижтимоий ҳодисаларга теран муносабатни, жамият тараққиётининг устувор вазифаларини чуқур ўрганишни, яъни назария билан амалиётни моҳирона қўшиб олиб боришни, меҳнатга фаол муносабатни, юксак эътиқод ва ахлоқий фазилатларни намоён этишни англатади. Мамлакат ҳаётини такомиллаштиришда, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда, инсон омилини фаоллаштиришда олий ўқув юртлари олдида ниҳоятда катта ва масъулиятли вазифалар қўйилган.

Олий ўқув юртлари иқтисодий, социал ва маънавий тараққиётимизга катта таъсир кўрсатади. Энг муҳими талаба-ёшларда янгича дунёқарашни, юксак маънавиятни шакллантириш, уларни Ватанга садоқат, сиёсий

хушёрлик, бузгунчи ғояларга мурасасизлик руҳида тарбиялашда ижтимоий фанларнинг роли беқиёсдир. Жамиятнинг ижтимоий гуруҳи бўлган талаба ёшлар фаоллиги жамиятимиз аъзоларига хос фаолликнинг ҳамма хусусиятларини ўзида акс эттиради.

Ёшларнинг демократик жараёнларга аксиологик муносабати, аввало, миллий қадриятлар таъсирида шаклланади. Зеро, оила, мактаб, маҳалла бу жараённинг тамал тошини қўяди. Бу эса улар фаоллигини ошириш, талаба ёшларда миллий қадриятларга содиқлик туйғусини тарбиялашга хизмат қилади.

Таълим-тарбия жараёнида ёшларнинг демократик қадриятлар тизимига аксиологик муносабатини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини таъминлаш учун қатор чоратadbирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Фуқаролик жамияти ўзига хос модел бўлиб, унинг асосини фуқаролик позициясига эга бўлган шахс ташкил этади. Шунинг учун ҳам бундай субъектлар бир томондан ушбу жамиятга нисбатан юқори даражадаги шахсий мустақилликка эга бўлиши лозим.

Барча даврларда талаба-ёшлар жамият аъзоларининг интеллектуал жиҳатдан ривожланган, тараққийпарвар, ижодкор, илғор қисми ҳисобланган. Ижтимоий, сиёсий мустақиллик ва жамият ривожланишида маънавий-ахлоқий тарбияга оид муайян билим, кўникмаларни шакллантиришда, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳар доим алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Бундай ёндашув Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да ҳам ўз ифодасини топган. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда таълим тушунчаси остида ўқув-тарбия жараёни тушунилади. Бу тизимда ўқувчи ҳамда талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига истикболли йўналиш сифатида қаралмоқда. Таълим-тарбия жараёнида ёшларнинг демократик қадриятлар тизимига

аксиологик муносабатини ривожланитириш, уларда юксак маънавиятлилик, ҳуқуқий меъёрлар ва қонунларга ҳурмат туйғусини шакллантириш ушбу жараённинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда инновацион педагогик технологияларнинг назарий асосларини ўрганиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш зарурати шунинг учун асосий муаммо бўлиб қолмоқдаки, анъанавий ўқитиш тизимлари ўз фаоллигини бироз йўқотди, қуруқ сўзлар ёрдамида ўқитиш яхши натижа бермай қолди. Педагогикада инновация, инновацион фаолият, инновацион педагогика, таълимда инновацион жараёнларни бошқариш каби тушунчалар XX асрнинг 60-йилларида дастлаб АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида «таълим технологияси» тушунчаси эътироф этилган вақтда пайдо бўлди. Бу тушунчаларнинг пайдо бўлиши ва инновацион таълим назариясининг яратилиши тўғрисида маълумот берувчи манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, бу тушунчалар таълим тизимида янгиликларни, педагогик технологияларни киритиш орқали талаба-ёшларнинг креатив қобилиятларини шакллантириш, таълим самарадорлигини ошириш, шахс ижтимоийлашувини таъминлаш, бу борада муайян муваффақиятларга эришиш учун таълим жараёнида ўқувчи-талабага дўстона муносабатларни шакллантиришга уриниш натижасида вужудга келди.

Педагогик инновацияларнинг мазмуни, уни қўллаш методларини бўлажак ўқитувчилар тажрибасига сингдириш муҳим аҳамиятга эга. Таълим муассасаси ҳаётига педагогик инновацияларни кенг қўламда олиб кириш учун унда янгилик муҳитини яратиш, муайян ахлоқий-психологик ҳолатни шакллантириш, ташкилий, методик, психологик характердаги чора-тадбирларни қўллаш талаб этилади. Шу мақсадда бўлажак ўқитувчиларнинг креатив функцияларини ривожлантириш, уларни педагогик инновациялар билан изчил қуроллантириб бориш, инновацион усулларни таҳлил ва татбиқ қилишга ўргатиш вазифасини қўйиш лозим.

Олий таълим муассасасида инновацион муҳитни вужудга келтирмаслик бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш сифатига ҳам кескин таъсир кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, улардаги ижодкорлик, яратувчиликнинг ривожланмаслигига, сўниб боришига сабаб бўлади. Ёш ўқитувчиларнинг инновацияларни изчил ўзлаштирганликлари сабабли педагогик жамоадаги қулай муҳитда фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар орасидаги қарама-қаршиликлар даражаси пасайиб, касбий фаолиятдаги эски қолиплар бартараф этилади. Таълим муассасасидаги инновацион муҳитда ўқитувчининг янгиликка бўлган муносабати яққол намоён бўлади.

Ўзбекистонда муаллифлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, эркин, маърифатли ва демократик давлат фуқоролари қуйидаги ижтимоий сифатларга эга бўлиши керак:

- Ақлли- мустақил фикр юрита оладиган;
- Одобли- миллатимиз тўплаган барча фазилатларга эга;
- Меҳнатсевар- меҳнат кишининг ижтимоий эҳтиёжига айланганлиги;
- Билимли - диний, дунёвий ва фазовий билимларни кўп ва чуқур эгаллаб олиб, уларни ҳаётда қўллай олиши;
- Соғлом - жисмоний, рухий ва ижтимоий саломат;
- Миллий ғурурга эга - аجدодларимизнинг моддий ва маънавий меросини эгаллаб, улар билан фахрланувчи ва уларни бойитишга хисса қўшувчи;
- Ватанпарвар - Ватан учун, халқ учун фидокорона меҳнат қилувчи, уларни муҳофаза қила оловчи ва зарур бўлса улар учун жонини қурбон қилувчи;
- Инсонпарвар - инсон зотига фақат яхшиликлар уловчи ва улар учун эзгу ишлар қилувчи;
- Жасур ва шижоатли - ҳар бир ишга мардона киришиб, уни шижоат билан охирига етказувчи.

Бу ўнта ижтимоий сифат жамият эҳтиёжларидан келиб чиққан давлат буюртмаси бўлиб, таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган ҳар бир инсон улардан умумий методологик асос сифатида фойдаланиши керак. Бу умумсоҳавий методологиянинг биринчи қисми ҳисобланади.

Талаба-ёшларда шакллантирилган мазкур сифатлар Ўзбекистон жамиятидаги сиёсий, иқтисодий ҳолат ҳақидаги турли-туман нуқтаи назарларни бир-бири билан яқинлаштиради. Бунинг натижасида талаба-ёшлар жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш имкониятига эга бўладилар. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш жараёнида шахс, давлат ва жамиятнинг сиёсиймиллий ҳавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда Ўзбекистон давлатининг миллий барқарорлигини таъминлаш вазифаси устувор ўрин эгаллайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Акрамов А.А. Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари асосида бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик позициясини ривожлантиришнинг ташкилий-методик асосларини такомиллаштириш. Докторлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2016. – Б 25-26.
2. М. Камолдинов, Б. Вахобжонов. Инновацион педагогик технология асослари, саволлар, жавоблар. – Т.: „Talqin“, 2010. – 128 б.
3. Ибрагимова Г.Н. Педагогик инновациялар ёрдамида талабаларнинг креатив қобилиятларини шакллантириш. Замонавий таълим / Современное образование. – Тошкент, 2015 №3. – Б. 50-54.
4. Ахмаджон Махамадович Умурзаков. ДИНИЙ ФАНАТИЗМ ВА ЭЪТИҚОД МАСАЛАЛАРИ //Scientific progress. 2021. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/diniy-fanatizm-va-eti-od-masalalari>
5. Ergashev U. A. Relationship with religion in Uzbekistan //Экономика и социум. – 2020. – №. 5-1. – С. 37-39.
6. Санжарбек Султонбекович Хошимов “ВАН ЯН МИН ФАЛСАФИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА ГНОСЕОЛОГИК

ҚИРРАЛАРИ” // Academic research in educational sciences. 2020. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/van-yan-min-falsafiy-talimotining-manaviy-ahlo-iy-va-gnoseologik-irralari>

7. Ergashev U. A., Umurzakov A. M. THE IMPACT OF ENVIRONMENTAL ISSUES ON HUMAN LIFE //Экономика и социум. – 2020. – №. 8. – С. 26-29.

8. Сластенин В.А., Подымова Л.С. Педагогика: Инновационная деятельность. – М.: «Издательство Магистр», 1997.–С. 224.

9. А.А.Мадаминов. Влияние СМИ на политическую культуру молодёжи. Вопросы науки и образования. 2018. 7 (19).

10. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=3waDc4AAAAJ&citation_for_view=3waDc4AAAAJ:HoB7MX3m0LUC

11. Нишоналиев У. Инновационные педагогические технологии обучения и развития. / В сб. материалов научно-практической конференции «Актуальные вопросы профессионального воспитания молодежи». – Алма-Ата: Респ. издат. каб. казахск. акад. образования им. И.Алтынсарина, 2000. –С. 235-240.

12. Акрамов А.А. Бўлажак ўқитувчилар фуқаролик позициясини шакллантиришда шахсга йўналтирилган технологияларнинг ўрни. //Замонавий таълим / Современное образование. Тошкент, 2017, №4. – Б. 54-60.